



Наврўз — 2016

УзА суратлари

Ҳамжиҳатлик тараннуми

МАМЛАКАТИМИЗДА 12-13 МАРТ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТГАН УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИДА ЎН САККИЗ МИЛЛИОНДАН КЎПРОҚ ЮРТДОШИМИЗ ҚАТНАШДИ.

Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, маҳаллалар, аҳоли тураржойларини, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳам фаол иштирок этди.

Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Республика кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотлари бирлашмалари, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан ташкилотлар бинолари атрофларида ва тасаруфдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди.

Умумхалқ ҳашарида «Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигига 25 тул кўчатнинг тўғри қўли» шiori остида ҳар бир ҳодим ўз иш жойи биналарининг атрофида, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида, санаторийлар ҳудудида мева-

ли ва манзарали дарахт кўчатларини экиш, дарахтларни оклаш ва буташ ишларида фаол иштирок этди.

Улар томонидан 200 мингдан ортиқ гул кўчатлари, 75 мингга яқин мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Мавжуд дарахтларни оклаш ва буташ ишлари амалга оширилиб, худудлар тозаланди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Наврўз арафасида барча ташкилот, муассаса, корхона ва 401 та фуқаролар йиғинида ўтказилган ҳашар чинакамига меҳнат байрамига айланиб кетди. Хайрли ишга бош қўшган 1 млн. 311 минг нафардан зиёд воҳа аҳли икки кун мобайнида 2383 гектар майдонда ободонлаштириш ишларини амалга оширди. Жалб этилган 847 та техника воситаси ёрдамида 3725 тонна ҳар хил маиший ва қурилиш чиқиндилари белгиланган жойларга чиқариб ташланди. 1417 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, қабристон ва зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

«Истиклолимизнинг 25 йиллигига 25 тул кўчат» шiori остида 492819 та манзарали, 302708 тул мевали дарахт, 37068 дона гул

кўчати ўтказилди. Шу билан бирга, 762066 тул дарахтга шакл берилиб, оқланди.

Саховатпеша қорақалпоғистонликлар 1370 та оиланинг уй-жойида таъмирлаш ишларини бажарди. Ижтимоий кўмакка муҳтож 712 нафар ногирон ва ёлғиз қариянинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдам кўрсатилди.

ХОРАЗМДА умумхалқ хайрия ҳашарида 967 минг нафардан зиёд аҳоли фаол иштирок этди. Улардан 566 864 нафарини ёшлар ташкил этгани қувонарлидир. Икки кун давомида ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан 2775 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ариқ-зовурлар тозаланиб, қабристон ва зиёратгоҳлар тартибга келтирилди.

Вилоят бўйлаб 1088 та уруш ва меҳнат fronti фахрийси, кекса ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг тураржойлари таъмирлаб берилди. Кўмакка муҳтож оилалар, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

»(2).



Байрам тўғриси

Қанлиқул тумани марказида «Никоҳ уйи» фойдаланишга топширилди.

— Янги бинода фаолият олиб боришимиз учун барча қулайлик мавжуд, — дейди туман ФХД мудир Перхан Аевезова. — Бўлимимизда ҳар йили 500-600 та янги оила рўйхатга олиниб, 1200 нафардан ортиқ чақалокларга гувоҳнома берамиз. Замонавий архитектура услубида бунёд этилган «Никоҳ уйи»да архив, ҳодимлар ва мудар хоналаридан ташқари тантаналар зали мавжуд.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Диспансер янги бинода

Қангли диабет касаллигини даволаш ва унинг олдини олиш борасида Сурхондарё вилояти эндокринология диспансери томонидан қатор ишлар амалга ошириб келинаётир.

Умумий терапия, болалар эндокринологияси, жарроҳлик, физиотерапия, лаборатория бўлими ҳамда поликлиникада беморлар соғлигини тиклаш йўлида 14 нафар шифокор, 84 нафар ўрта тиббий ходими меҳнат қилмоқда.

— Тиббий хизмат даражасини янада ошириш мақсадида муассасамиз барча қулайликка эга янги бинода иш бошлади, — дейди диспансер бош шифокори Каромиддин Меликулов. — Ўтган йилда 2000 нафардан ортиқ беморни даволадик. 25 минг нафардан ортиқ фуқаро чуқурлаштирилган тиббий қуриқдан ўтказилди. Бундан ташқари, барча туман поликлиникаларида эндокринология хоналари ажратилган бўлиб, малакали врачлар иш олиб бормоқда. Вилоят ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбариятининг саяё-ҳаракати билан муассасамизга энг сўнгги русумдаги қонда қанднинг миқдорини қисқа фурсатда аниқлаб берадиган тиббий жиҳозлар келтирилиб, ташхис қўйишда фойдаланилмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Лизинг — тадбиркорга имконият

Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги «Оқтошнон» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида ўнга яқин турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаб, харидорларга етказиб берилмоқда.

Қирқдан ортиқ киши меҳнат қилаётган корхонада 2013—2014 йилларда хориждан замонавий технологиялар келтирилиб, сифатли нон ва қондигер маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги ускуналари билан корхонада тадбиркорлар учун яратилган кенг имконият ва имтиёзлар натижасида лизинг компанияларининг лизинги асосида харид қилинган.

Айни пайтда корхонада кунига 5 тонна нон, 2 тонна макарон, 500 килограмм қондигер маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, сутни қайта ишлаш йўлга қўйилиб, беш турдаги суг маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ,
УзА мухбири



Эргамиз эгалари

Етуқ салоҳият соҳиб
Мамлакатимизда ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Усимлик моддалари кимёси институтини қўллаб-қувватловчи Хуршидбек Бозоров ушбу имкониятлардан умумий фойдаланаётган ёш тадқиқотчилардан.

Унинг илмдаги ютуқлари талабаларнинг талабалик давридан бошланган. Самарқанд давлат университетининг таҳсил олган Хуршидбек 2004 йилда кимё соҳасида олиб борган изланишлари учун Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендияси соҳиб бўлди. Бугунги кунда у илмий фаолиятда етуқликка эришган. Гетероциклик бирикмалар — тиофен ва тиенопиримидинонлар кимёси ва уларнинг биологик хоссаларини ўрганиш ҳозирги вақтда истиқболли йўналишлардан биридир.

»(3).

15 март — Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчи, савдогару дўкондорлар учун «Харидор ҳамшира ҳақ» деган тамойил устувор ҳисобланади. Бу қоидага амал қилмаган тадбиркорнинг ишидан барака кетиши аниқ. Истеъмолчи ҳуқуқларини бузадиган тиҷоратчи дўконидан нафақат харидорнинг оғзи узилади, балки у қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар ҳам бўлади.

Тамойилга мувофиқ

Бу борада мамлакатимизда 1996 йили қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, ҳуқуқ-тартибот органлари билан бирга Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаол иш олиб бормоқда.

Миллий матбуот марказида «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфа-

атларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш борасида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар» мавзусида ташкил этилган матбуот анжумани юқоридаги масалаларга бағишланди.

— Маълумки, ҳар йил 15 март Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни сифатида бутун дунёда кенг нишонланиб келинади, — дейди қўмита-

нинг реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бош мутахассиси Абдураҳмон Рауфов. — Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида қўмита томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, оммавий ахборот воситаларида мавзуга доир мақолалар эълон қилиб борилади. Телевидение орқали турли ро-

ликлар намойиш этилмоқда. Интернет орқали www.istemolchi.uz, www.potrebitel.uz портали фаолият кўрсатиб келяпти. Портал орқали истеъмолчилар ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъиниш ҳамда он-лайн маслаҳатлар олиш имкониятига эга.

2015 йилда қўмита ва унинг ҳудудий органларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича тушган 5141 та ариза ва шикоятнинг 3335 таси ёзма, 1806 таси «Ишонч» телефони» орқали келган. Ёзма аризаларнинг 92,5 фоизи истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири



«ОТАМ ЎГИТИГА ТАЯНИБ...»

>> 2-3



БИР ЎЛКАКИ...

>> 3



ҚИРҒОВУЛ

>> 4

Етук салоҳият соҳиби

(1). — Замонавий органик синтезда максимал даражада синтетизацияга эришиш мумкин... European Journal of Medicinal Chemistry...

Кўчат экинг, боғ қилинг!



Юртимизда боғларни қўпайтириб, аҳолини турли ноз-неъматлар билан таъминлашда М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Денов туманида жойлашган Сурхондарё илмий тажриба станцияси миришкорларининг ҳиссаси катта.

Бундан икки йил илгари тажриба станциясига боғдорчиликнинг ҳадисини олган Фахриддин Тулашев раҳбар этиб сайланган, ишлар янада юришиб кетди. У жамоага бегона эмас. Раҳматли отаси Холбой Тулашев узок йиллар шу жойда боғбонлик қилган. Фахриддин эса ўқувчилик йилларидан отасига кўмақдош. Талабалик даврида боғбонлар билан баб-баравар меҳнат қилган. Раҳбарга бош зироатчи Менгтўра Норбоев, илмий ишлар бўйича уринбосар Абдужабор Мирзаев ва бошқа етакчи мутахассислар кўмақдош бўлди.

ўсадиган ҳар хил мевали ва манзарали дарахтлар парваришланмоқда. Очiq майдонлар ва дарахтлар билан қопланган даладор 105 нафар тадбиркор, ишбилармон кишиларга 30 сотихдан бир гектаргача бўлиб берилган бўлиб, илмий ходимлар ҳамкорлигида мўл, сифатли мевалар ва кўчатлар етиштирилади. Хар бир мева бўйича оналик боғлари ташкил қилинган ва улардан янги навлар яратиш юзасидан тажрибалар, кузатувлар олиб борилапти. Масалан, анжирнинг «Крим-9», «Белый адрятский» каби 20 та нави, анорнинг 150 дан ортиқ тури, зайтун, чилон жийданинг ўнга яқин навларини етиштириш ва кўпайтириш борасида илмий ходимлар сабр-матонат намуналарини кўрсатишапти. Ҳар мевали дарахтлар ва ҳосилли боғлар парваришига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Матбуот анжумани

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Ким эдигу ким бўлдиқ, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» мазмунидаги тарғибот тадбирлари ҳамда иходқор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз истеъдодларини тўла намоён этишлари мақсадида 2016 йилга мўлжалланган маданий тадбирлар мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тарғибот гуруҳлари ёшлар ҳузурида

Унда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, тарғибот гуруҳлари аъзолари, иқтидорли ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Давлат мустақиллигининг йилги маънавий муносабати билан жойларда ўтказилаётган мазкур тадбирлар Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Республика Маънавий тарғибот маркази, «Ўзбекино» миллий агентлиги, «Ўзбекино» эстрада бirlашмаси, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бirlашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ёшлар маданият ва санъат маркази билан ҳамкорликда тасдиқланган режа асосида ташкил этилмоқда.

Реклама ва эълонлар

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади

- 1. Лот №1-1. Шаҳрисабз тумани «Шаманот» ҚФЙ Лойистон қишлоғидаги турар-жойлар учун сув тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 636.757.381 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 530.631.151 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 6 ой.
2. Лот №1-2. Чирчиқ тумани «Қўдана» ҚФЙ Етпитом қишлоғидаги турар-жойлар учун сув тармоқлари қурилиши (2-набат). Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 236.778.591 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 197.315.492 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 3 ой.
3. Лот №1-3. Чирчиқ тумани «Дам» ҚФЙ Дам массивида сув тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 305.556.312 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 254.630.260 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 3 ой.
4. Лот №1-4. Китоб тумани «Бог'он» ҚФЙ Чарчағ массивидаги сув тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 201.834.756 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 168.195.630 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 4 ой.
5. Лот №1-5. Қарши тумани «Отчар» ҚФЙ «Мустақилликнинг 24 йиллиги» массивида сув тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 404.818.891 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 337.349.076 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 5 ой.
6. Лот №1-6. Ғўзор тумани «Ғўзор» ҚФЙ Еңиқош массивидаги (Б5 та) турар-жойлар учун сув тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 336.495.300 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 280.412.750 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 4 ой.
7. Лот №1-7. Қарши тумани «Боговод» ҚФЙ Боговод массивида сув тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 556.130.100 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 463.441.750 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 5 ой.
8. Лот №2-2. Яқкабот тумани «Қўшнор» ҚФЙ Мевазор массивида сув тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 460.419.599 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 383.682.999 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 5 ой.
9. Лот №2-3. Яқкабот тумани «Санда» ҚФЙ Айгирик массивида сув тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 263.333.667 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз —

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

Танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади

- 219.444.722 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 4 ой.
10. Лот №2-4. Қарши тумани Човдир-1 массивини ичкилик суви билан таъминлаш. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 335.914.100 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 279.928.417 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 4 ой.
11. Лот №2-5. Қарши тумани Човдир-2 массивини ичкилик суви билан таъминлаш. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 162.420.400 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 133.350.333 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 3 ой.
12. Лот №3-1. Қарши тумани «Қишлоқ» ҚФЙ Арбабхона-1 массивини ичкилик суви тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 182.737.476 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 425.126.979 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 6 ой.
13. Лот №3-2. Қарши тумани «Хилол» ҚФЙ Арбабхона-2 массивида ичкилик суви тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 182.737.476 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 152.281.230 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 4 ой.
14. Лот №3-3. Шаҳрисабз тумани «Чоштепа» ҚФЙ Чоштепа массивидаги (32 та) турар-жойлар учун сув тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 220.251.835 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 183.543.196 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 4 ой.
15. Лот №3-4. Қарши тумани «Батон» ҚФЙ Батон массивидаги (181 та) турар-жойлар учун сув тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 424.840.943 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 354.034.119 сўм, қурилиш тугалаш муддати — 5 ой.
16. Лот №3-5. Қарши тумани «Илҳом» ҚФЙ Илҳом массивидаги қурилиш филиали. Манзил: Қарши шаҳри, Солиқкор қўчаси, 10-Й. Телефон: (0-375) 227-84-77, 227-84-75.
Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Республика бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйималар ҳисобига молиялаштирилган объектларда қурилиш ишларини молиялаштириш амалга ошириш учун ўтказилаётган танлов савдоларида фақат «Қурилиш — пудрат ташкилотлари реестри»га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишлари руслат берилди.
Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молия-

лаштирилган объектлар бўйича бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан буғун янги қурилиш ва қални-тар реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдолари ички бизнес корхона ва ташкилотлари ўртасида ўтказилади.
— Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган янги қурилиш ва қални-тар реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдоларида Оферталар баҳоланиб, қўрашлар тенг бўлганда, устуллик ички бизнес корхона ва ташкилотлари берилади.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи имдоридангиз айланма маблағларининг ёки қўраш тўлиқ Утилган маблағларининг беришига банк қафолатномасига, ишлар (ғимнатлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мажбуриятига, етарли касбий ва техникий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролар — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, тажрибали ва ишсизчи бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатлик пудратчилари учун қуйидаги нарх преференцияларига қўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг тақлифларининг баҳолаш жараҳида танлов тақлифларида кетидан ишлар (ғимнатлар) киритилиши қўзда тутилган ва бунда ишлот қўрилмаслар сонига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотини — «Давлатишқотуриш» қўмитасининг қурилиш танлов савдолари ва нақрийни шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши ш. Ғўзор тумани «Ўзбекистон қўчаси», 60-«А» уй, Тел./Факс: (0-375) 223-19-11, 223-27-33.
Бир тўптам танлов ҳужжатларининг нархи — 9000.000 сўм.
Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотининг тақдими этишининг охириги муддати оферталар очилиши кун ва соати.
Тақлифлар (оферталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда Ўзбекистон овози газетаси қўчаси 3-уйда ўтказилади.
Хизматлар лицензияланган.

БОЗОРЛАРГА ҚИРМАНГ, ТЎКИЛИКНИ, СЕРОБЛИКНИ КЎРАСИЗ. ТЎКИЛИК — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ, АРЗОНЧИЛИК, МИЛЛАТ ЮТУГИ ДЕМАҚДИР. ЧУНКИ ДАРМОНДОРЛАРГА БОЙ БУ НЕЪМАТЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАН ҲАР ҚАНДАЙ ИНСОННИНГ ИММУНИТЕТИ ОРТИБ, СОғЛИГИ МУСТАҲҚАМ БЎЛАДИ.

Юртимиздаги ободонлаштириш тадбирларига қараб туриб, беихтиёр дадам раҳматлининг айтган гаплари, боққа бўлган муносабати ёдимга тушди. Ёдимда, катта ҳовлимиз дарахтларга тўла бўларди. (Ҳозир ҳам шундай). Анжир, шафтоли, ширин-шакар олмалари еб ўсанмиз. Дадам етиштирган узумлар орасида хушбўй узум бўлардики, ҳалигача шундайини излайман.

У киши давраларда барчани ҳовлисига дарахт экишга ундарди. «Бизнинг ҳовлида узум йўқ», дегувиларга: «Сенга дарё шарт эмас, эрталаб юзингни ювишга бир офтоба сув топиладими? Топилган юзингни дарахт остига юв. Ниҳолга шу сувнинг ўзи етади», деб жавоб берарди. Янги ҳовлига кўчганларга «Ҳовлига ўрнашиб, тублашиб кетайлик десангиз яхши ниятда тут экинлар» мевасини болаларнинг ёйди. Уйингга келган одам соясига машинасини кўйди, отини боғлайди. Қолаверса, тут экилган ҳовлининг ери чўкмайди». — қўшимча қиларди меҳрибон падаримиз... Болаликдан сарҳил меваларни истеъмол қилиб ўсганимиз учун бизнинг оилага хасталик бегона эди. «Соғлом онадан — соғлом бола», дейишганидек, фарзандларимнинг барчаси ўшига етмасдан-ноқ тетапоқ қилишган, яъни, юриб кетишган.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ХИМОЯЧИСИ

Дарвоқе, Дилбар Тўхтаева вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бirlашмаси Хотин-қизлар комиссиясининг раиси ҳамдир. — Комиссиянинг вазифаси — жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга қулай меҳнат шартларини яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда иш берувчилар ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кўчатиришдир, — дейди Дилбар опа. — Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазибаларни бажариш билан машғул

ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР ЖАМОА ШАРТНОМА ВА КЕЛИШУВЛАРИГА КИРИТИЛГАН.

Хусусан, вилоят ҳокимлиги, касабаси уюшма ташкилотлари бirlашмаси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида 2014 — 2016 йиллар учун тузилган минтақавий келишувда аёллар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар бериш юзасидан киритилган мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш бўйича бирмунча ишлар қилинишига эришилди.

Бirlашма кенгашининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорликда жойларда хотин-қизларга яратилган шарт-шароитларни доимий ўрганиб борилади. Жумладан, ҳамкорлик ишлари доирасида «Аёллар уй бекаси», «Энг фаол тадбиркор аёл», «Энг фаол касаначи аёл» танловлари ўтказилди. Ғойиблар касабаси уюшмаларининг «Фаҳрий ёрлик» ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бirlашма кенгашининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси бirlашма кенгаши қўшидаги жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш комиссияси аъзоллигига киритилган бўлиб, унга кўра жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазибаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар ўз аксини топмоқда.

Касабаси уюшмалари тизимидаги санаторийларда 2015 йил давомида 510 нафар хотин-қиз дам олдирилди. Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда меҳнат жамоалари хотин-қизлари ўртасида спортнинг шахмат-шақча, стол теннис турлари бўйича спорт мусобақалари ташкил этилди.

Вилоятда барча корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган «Касабаси» веломарафони мусобақаларида 1367 нафар ҳаваскор велоспортчи иштирок этган бўлса, улардан 342 нафари хотин-қизлар экани эътиборлидир. Энг асосийси, касабаси уюшмаларининг аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш, меҳнаткашлар саломатлигига ҳисса қўйишга қаратилган тадбирлари на-

ТИЖАСИДА ЙИЛДАН-ЙИЛГА СПАРТАКИАДАЛАРДА ҚАТНАШАДИГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР СОНИ ОШИБ БОРЯПТИ. БУНГА СОғЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛАЁТГАН ОИЛАВИЙ МУСОБАҚАЛАР ЧОГИДА ХАМ ГУВОҲ БЎЛИШ МУМКИН...

Жамоа шартномалари орқали нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган болали аёлларга оилаки маоши сақланган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланиши жорий этиш 67 та корхона томонидан 99 нафар болали аёлларга татбиқ этилди. 120 та корхона томонидан 224 нафар болали аёлларга 45,7 млн. сўмлик моддий ёрдам қўрсатилди. Ҳомилдорлик ва туғиш ташкилоти кўнини узайтириш учун 64 та корхонада 87 нафар аёлга 12,7 млн. сўмлик моддий кўмак берилди.

Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий қимоялаш ва бу орқали аҳоли, айнқисса, аёллар турмуш даражасини кўтариш устувор вазифа ҳисобланади.

Қашқадарё вилоятида 2015 йил 1 декабр ҳолатида ишсиз хотин-қизларни ишга жойлаштириш учун 22790 та иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, 19947 та иш ўрни ишсиз хотин-қизларнинг бандлигига эришиш учун ташкил этилди.

Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бirlашмаси кенгаши, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бoшқармаси, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда 2015 йилда хотин-қизлар учун иш ўринларини ташкил қилишга кўмаклашиш бўйича ҳамда иш ўринларининг ҳақиқатда мавжудлиги бўйича ҳар ойда мониторинг ишларини амалга оширилди.

ОИЛА МУҚАДДАС

Дилбар опа фаол мутахассис, тиббиёт ходимларининг жонқуяр ҳимоячиси бўлиш билан бирга меҳрибон буви ва она, оқила уй бекаси ҳамдир. — 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола» йилли деб эълон қилиниши миллат оналари ва болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг мантиқий давоми бўлди, — дейди у. — Чунки, «Аёллар йили» «Мустаҳкам оила йили», «Соғлом бола йили» каби орда қолган йилларнинг мазмун-моҳияти, дав-

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМИДА ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИККА УНДОВЧИ, ТИНЧЛИК ВА ОСОЙШАТЛИКНИ КЎЗ ҚОРАЧИГДЕК АСРАШГА ДАВЯТ ЭТУВЧИ, ШУНИНГДЕК, ҒАРАЗЛИ ҒОЯЛАР ВА ТУРЛИ КУЧЛАРНИНГ ЖИНОЯТКОРОНА ҚАРАКЪТЛАРИНИ ФОШ ЭТУВЧИ «АЖАЛ ЖОДУСИ», «ГУМРОХЛАР», «ЖАСУР», «ОДНОКЛАССНИК-КИ.РУ», «СОТҚИН» «АФГОН», «БАЛЛИ, КАМОЛИДИН!», «ШУҚОРЛАР» КАБИ БАДИИЙ ФИЛМЛАР НАМОЙИШ ҚИЛИНДИ.

Матбуот анжуманида «Ким эдигу, ким бўлдиқ, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» мазмунидаги тарғибот тадбирларининг Тошкент шаҳри бўйича биринчи Бoшқича якуни, мазкур тадбирларни жойларда янада юқори савияда ташкил этиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Наврўз таомлари

СУМАЛАК МИНГ ДАРДГА ДАВО




Сумалак кўкламнинг шох таоми, тўкин-сочинлик ва сихат-саломатлик рамзи. Бу мўъжизавий қувватга эга бўлган таомни айнан Наврўзда тайёрлашда ўзига хос рамзийлик бор.

Сумалакни баҳорда тўйиб еган киши йил бўйи касал бўлмайдиган, дейишади. Сумалак ундирилган бугдой шарбатидан тайёрланади. Бугдой ўсимтаси эса углевод ва оқсилга жуда бой. Унинг таркибиде бетакаротин, тиамин, ниацин, В6 ва инсон учун ниҳоятда фойдали С витамини мавжуд. Шу билан бирга унда жонивон таркибиде учрайдиган шифобахш моддалар ҳам бор.

Сумалак қон таркибини яхшилайдиган, уни суқултиради, ошқозон-ичак йўллари тазолайди, унинг фаолиятини яхшилайдиган, ичми юриштирадиган, асабни тинчлантирадиган. Гипертония, сурункали гепатитга қирон келтирадиган. Аммо меъда ва ўн икки бармоқ касалликлари, сурункали гастрит хуржи даврида сумалак истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

КЎКАТЛАР

Кўкламда барра ўтлару кўкатларнинг шифобахшлиги жуда юқори бўлади. Мисол учун, ялпиз таркибиде эфир майлари, ментол, ментон, пинен, фладрен, цениол, незлиол, жасмин, органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, рамноза, глюкоза, рутин, витамин С, минерал тузлар ва яна бир қатор моддалар мавжуд. Унинг шираси сиркага солиб ичилса, ичдан қон оқшишни тўхтатади. Бир неча кунгача уни еб, кетидан сузма зардобни ичиб турилса, веналарни кенгайтирадиган. Ялпиз меъдани мустаҳкамлайди, ҳиқчоқ ва қон қушишни тўхтатади, овқатнинг сингишига ёрдам қилади, сариқ касалига фойдаланилади.



Ялпиз ошқўк, зирavor ҳамда шифобахш омил сифатида ишлатилишидан ташқари ундан баҳор пайтида жағ-жағ, исмалоқ, кўк пийёз билан бирга чучвара, манти, нон, сомса тайёрлаб истеъмол қилиш соғлиқ учун жуда фойдаландир. Бундай таомлар кишига дармон бағишлаш билан бирга танани турли хиллардан тазолайди. Организми юқумли касалликлардан муҳофаза қилади.

ЯЛПИЗЛИ ЧОЙ



Ялпизли чой оғриқни қолдирувчи, кўнгил айниши, ич дам бўлишни пассивирувчи, овқат ҳазм қилувчи восита сифатида қўлланилади. Бунинг учун бир ош қошиқ майдаланган ялпиз баргига бир стакан — 200 мл. қайнаб турган сув қуйиб, 15-20 дақиқа дамлаб қўйиб, совуғанидан кейин тоза доқада сузиб, идишга қуйиб қўйилади. Катта ёшли кишилар овқатланишдан олдин бир ош қошиқ, мактаб ёшидаги болалар бир десерт қошиқ, мактаб ёшигача бўлган болалар бир чой қошиқдан ичиши тавсия этилади.

Эслатма: ялпизни меъдани ортиқ истеъмол қилиш бод пайдо қилади ва агар ҳаддан зиёд ейилса, томоқда қичишиш пайдо бўлади. Ушбу зарарларни даф этмоқ учун петрушка ейиш тавсия этилади. Ялпиздан куннига бир марта ейиш миқдори 9 граммгача. Хуллас, атрофимизда ўсаётган ҳар неъматда қанчадан-қанча ҳикмат жамланган. Аммо улардан меърида, қолаверса, шифокор билан бамаасалат фойдаланимоқ даркор. Негаки, бир касалга даво бўлувчи кўкатлар, бошқасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Буни ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак!

Нурилла ШАРИПОВ, олий тоифали шифокор

Дилларга кўкитм аярири



Икром ХАСАНОВ фотолавҳаси

Инсон ва табиат

Баҳмалнинг Ойқор тоғи ёнбағирлари наботот ҳамда ҳайвонот дунёсига бой. Баҳор келиши билан табиат уйғониб, бу сўлим масканда тириклик нишонлари пайдо бўлади. Шаршарлар тепаликдан зўр куч билан шовқин-сурон солиб оқиб тушади. Жилгалар ирмоққа, ирмоқлар эса дарёга қуйилади. Жанубдан турфа қушлар учиб кела бошлади.

ҚИРГОВУЛ

Қирговул — эркин, кўркам ва анча йирик қуш. Макиёнининг кулранг патларидаги йўл-йўл чизиклар ёрқин кўринишда бўлиб, ўта эҳтиёткор. Қуш чопагон, тез югура олади. Кам ҳолларда учади. Нар қирговулнинг бўйин қисмидаги оқ хошияси уни янада ёрқинроқ қилиб кўрсатади. Қаноти қизғиш-қорамтир, тана тўзилишининг ярмини думи эгаллаган бўлади. Учқур тўшмуғи ов учун беназир қурол, тирноқлари ҳам яхши иш беради. Бу жараёнда у ўз топқирлигини намойиш эта олади. Назокати, нафосати ва гўзаллиги бекиёс. Қирговуллар қамшиш ва бутазорларда ўтқор ҳолда ҳаёт кечиришади. Тунда ҳимояланиш учун даракт ва йирик буталар устига чиқиб олади.



билан таъминлашга етади.

Кўпайиш олдинда макиёни уя қуриши ва туҳум қўйиш таррадуғига тушади. Уядаги туҳумлари оч яшил рангда бўлиб, галла ўрим-йиғими бошлангунча жўжаларини эргаштириб кетишга улғурлади.

Кундан-кун ҳарорат кўтарилиб, яшил либосга бурканган дов-даракт, ўт-ўлан ва анвойй гулларнинг ажойиб манзараси кўзни яншатаяди. Бу сўлим масканда ниш ураётган ўсимликларнинг ўнлаб турларини учратиш мумкин. Озуқа мўл-кўл. Барча тирик мавжудотларни емши

Кутилмаганда тонг сахар ҳавза бўйларига ўғринча ов қилувчилар изғиб қолишади. Бу хол қирговулларни чўчитиб, ўн-ўн беш одим наридаги бутазор ичига яширишида. Палапонлар ёқимли сайрашдан сўнг ота-оналари олдида тўпланишади.

Кутилмаганда қирговул рўпарамизда пайдо бўлиб ва тезликда буталар орасига яширинди. Ҳеч вақт ўтмай тўрт-беш одим нарида яна кўриниш берди. Улар қишда из қолдирамаслик учун имкон даражада қурқ майдондан юриб ўтишади. Шунинг учун ўғринча ов қилувчилар бу айёр қушнинг қаерда ва қачон бўлишини ҳар доим ҳам билавермайди. Баъзан маҳорат ҳам иш бермай қолиши мумкин.

Кўёш уфққа бош қўйганида тоғ ёнбағирларида қушларнинг ажойиб томошасини кўриш мумкин. Қўлаб қушлар уяларига қайта бошлашади. Шунда қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-сурон бошланади. Уфқда шафакнинг элас-элас шуълаланиши эртаги куннинг яхши бўлишидан дарак беради.

Улкамизда яна баҳор. Кенг майдон ва ҳавза бўйларига қушлар сон-санокиси. Улар эрта тонгданок қанот қоқиб, турли товушлар билан осмону фалақни тўлдириб юборади. Бу товушлар ўзаро мулоқот вазифасини ҳам ўтайди. Само уммонда чарх ураётган хилма-хил қушларни кўриб, кўз қувнайди. Ҳаёт бир маромда давом этаверади.

Абдулла САИДОВ



СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарорига мувофиқ ташкил этилаётган «Соғлом оила» шiori остидаги Республика оилавий спорт мусобақаларининг Фарғона вилоят босқичи ақунланди.

ФОЛИБЛАР — РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА

Қувасой шахридаги Аҳмад ал-Фарғоний номи дам олиш масканида туман, шаҳар босқичлари фолиб жамоалари, қорхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган меҳнатқашлар, уларнинг оила аъзоларидан иборат 40 та оилавий жамоа яна бир бор ўз имкониятини синовдан ўтказди. — Албатта, спорт оммавийлигини оширишга қаратилган тадбир ўз самарасини бериши, шубҳасиз, — деди вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Ф.Пайзиев. — Фолиблик учун олиб борилган қизгин баҳслар, айтиш мумкин, буни тасдиқлади.

Қодиров ва Ўзбекистон тумани «Қамолот» ЕИХ бўлими ҳисобчиси Мохигул Мухитдинова оилавий жамоалари эгаллади.

Шунингдек, Бешарик туманидаги 4-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ҳасановлар оиласи «Энг аҳил оила», вилоят уруш ва меҳнат фариҳлар полкиликчиси ходими Хайдаровлар оиласи ва Тошлоқ туманидаги 1-умумтаълим мактабидан Ибрагимовлар оилавий жамоаси «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», Бағдод тумани тиббиёт бирлашмаси бош мутахассиси Жўраевлар оиласи ва Бувайда туманидаги 33-умумтаълим мактаби ходими Азизовлар оилавий жамоалари «Энг қаҳқон оила», Фарғона азот» АЖ цех ишчиси Зокировлар оилавий жамоаси «Энг фаол оила» номинациялари бўйича тақдирланди.

Фолиб ва совриндорларга касабга уюшма ташкилотлари бирлашмасининг дипломи ва қимматбаҳо совғалари топширилди.


Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» муҳбири

ТАЭКВОНДО

Голландиянинг Эйнховен шахрида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган нуфузли халқаро турнирда Ўзбекистон вакиллари олтин ва кумуш ҳамда иккита бронза медалига сазовор бўлдилар.

СВЕТЛАНА — ОЛТИН МЕДАЛ СОҒИБАСИ

Терма жамоамиз ҳисобида олтин медални Светлана Осипова (+68 кг.) келтирди. Финалга қадар кечган жангларни мағлубиятсиз ўтказган Дмитрий Шоккин (+87 кг.) кумуш медал билан тақдирланди. Жасур Бойқўзиев (-87 кг.) ва Никита Рафаловичга (-74 кг.) эса бу гал бронза медаллари nasib этди.



ФУТБОЛ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Самвел Бабаев Жаҳон чемпионати — 2018 иккинчи саралаш босқичи доирасидаги сўнгги икки ўйин учун жалб этилган футболчиларнинг кенгайтирилган рўйхатини маълум қилди.

ТАРКИБ МАЪЛУМ...



Жамоамиз ушбу ўйинларни «Бунёдкор» стадионинда ўтказди. 24 март куни Филиппин ва 29 март куни Баҳрайн билан куч сиништилади. Ҳар икки учрашув соат 18:00 га белгиланган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси олти учрашувдан сўнг, 15 очко тўплаган ҳолда «Бунёдкор», Санжар Шоҳмудов («Локомотив»), Элдор Шомуродов («Бунёдкор»), Сардор Мирзаев («Локомотив»), Жалолдин Жамшир («Пахтакор»), Машид Искандаров («Пахтакор»).

Дарвозабонлар: Александр Лобанов («Персеполис» — Эрон), Игнатий Нестеров («Локомотив»), Элдор Сулюков («Насаф»).

Химоячилар: Даврон Хошимов («Пахтакор»), Анзур Исмоилов («Чанчун Ятай» — Хитой), Егор Кривец («Бей-

жин Гоан» — Хитой), Ислам Тўхтажўаев («Локомотив»), Камолитдин Тожиев («Пахтакор»), Виталий Денисов («Локомотив» — Россия), Олег Зотев («Локомотив»).

Ярим ҳимоячилар: Жа-воҳир Соҳибов («Пахтакор»), Одил Аҳмедов («Краснодар» — Россия), Азизбек Хайдаров («Аш-Шабоб» — БАА), Фозил Мусаев («Сепихон» — Эрон), Сардор Рашидов («Ал-Жаиш» — Қатар), Санжар Турсунов («Ум-Салал» — Қатар), Станислав Андреев («Пахтакор»), Отабек Шукуров («Бунёдкор»), Сервер Желпаров («Локомотив»), Жасур Хасанов («Локомотив»), Достон Ҳам-домов («Бунёдкор»), Санжар Шоҳмудов («Локомотив»), Элдор Шомуродов («Бунёдкор»), Сардор Мирзаев («Локомотив»), Жалолдин Жамшир («Пахтакор»), Машид Искандаров («Пахтакор»).

Хужумчилар: Александр Гейнрих («Ордабаси» — Қозоғистон), Игор Сергеев («Пахтакор»), Марат Бикмаев («Локомотив»).

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» муҳбири

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO'SHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ Бухоро филиали Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган куйидаги такрорий аукцион савдоларига тақлиф этади

2016 йил 29 март куни соат 11:00 да ташкил қилинган савдоларга «Ўзбекистон почтаси» Бухоро филиалининг 09.03.2016 йилдаги 29-30-14/170-сонли бюртмасига асосан ташкил қилинадиган такрорий оғиқ «Аукцион» савдоларига филиал ҳисобидида куйидаги автотранспорт воситалари ҳар бири алоҳида лот тартибиде такроран қўйилмоқда: 1-ЛОТ. Бошланғич баҳоси — 9 562 000 сўм бўлган, 1996 йилда и/ч, д/р 80/415 КАА бўлган ДАМАС русумли автотранспорт воситаси, 2-ЛОТ. Бошланғич баҳоси — 6 170 000 сўм бўлган, 1997 йилда и/ч, д/р 80/953 ГАА бўлган ТИКО русумли автотранспорт воситаси.

2016 йил 29 март кунда савдоси бўлиб ўтмаган мулк бўйича такрорий савдолар 2016 йил 5 апрел ва 12 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади

2016 йил 28 март кунга қадар, 2016 йил 5 апрел кундаги савдо учун 2016 йил 4 апрел кунга қадар, 2016 йил 12 апрел кундаги савдо учун 2016 йил 11 апрел кунга қадар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоси фолибга 20 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юқлатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили хабарномада кўрсатилган муддатда шахсан ёки алоқа воситалари орқали аукцион ташкилотчисига аукционда қатнашишга икки нусхада бюртмани тақдим қилади ва унга куйидаги ҳужжатларни илова қилади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан

ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, бюртмани ваколатли вакили топширганга унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, бюртмани ваколатли вакили топширганга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ёки қонуний вакиллигини тасдиқловчи ҳужжат, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Тақдим қилинган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси билан (жисмоний шахслар учун) ҳамда талабгорнинг имзоси ва мўҳри билан (юридик шахслар учун) тасдиқланган ҳолда.

Талабгор аукцион ташкилотчиси билан зақалат пули тўғрисидаги келишув шартномасини тузиши ҳамда мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқ-

доридеги зақалат пулини тўлаши сўралади.

Зақалат тўлови учун реквизитлар: «KO'SHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ Бухоро филиали. СТИР: 30252982, МФО 00115, АТБ Қишлоқ қуриш бани Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами: 2020800805028108002.

Бюртманомаларни қабул қилиш ёки мулк билан танилиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'SHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ Бухоро филиали. Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (4-қават). Тел: (0-365) 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru. Гувоҳнома: № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

Султанходжаев Бахтияр Анваровичга тегишли Тошкент ш., Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 10-«В» уй, 23-хонадоннинг план кадастр ҳужжатлари ва Та №0203398 сонли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
1200-0000
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'liq Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshiev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huruq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi short. Mualliflar fikri to'liq ravjda nazariydan farglanishi muman.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev
Navbatchi:
N.Mohamov
Musahhirlar:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdullayev

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.
Korxonamanzilli:
Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalantadi.
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Buyurtma f — 315.
22725 nusxada bosiladi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshiga topshirish vaqti — 20:40
Topshirdi — 22:00

1 2 3 4 5 6